




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (12.178)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида пойтахтимиз метрополитени инфратузилмасини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: ТЕЗКОР, ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ

Тадбир «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилди. Унда ушбу идоранинг раҳбар ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Пойтахтимиз метроси экологик тоза, ўзига хос ери ости иншооти. Мустаҳкам ва сифатли қурилган мазкур иншоот пойтахт аҳолисининг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутди. Негаки, уларнинг аксарияти айнан ушбу транспорт тури хизматларидан фойдаланишни маъқул кўради. Ер ости транспортига бўлган талабнинг юқорилигини унинг йўловчиларни деярли бир зумда манзилга етказиши, поездларнинг аниқ ва ишончли ҳаракат қилиши, хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги, бекатлар ҳамда поездларда тартибга қатъий риоя қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони метрополитен фа-

олятининг яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси раҳбари Бахтиёр Содиковнинг айтишича, мазкур ери ости транспорти ҳар куни 180-200 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 24 миллиондан зиёд йўловчи ушбу ноёб транспорт воситаси хизматидан фойдаланган.

Матбуот анжуманида ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш, тажриба-конструкторлик ишланмалари ва янги техникаларни жорий қилиш бўйича амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди. Хусусан, 2012 йилнинг беш ойи якулига қўра, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси базасида 49 номдаги янги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиди.

Айниқса, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Тошкент метрополитени» дав-

лат унитар корхонаси мутахассисларининг маълум қилишича, йўловчиларнинг ҳушёрлигини ошириш мақсадида платформага тушишда ўрнатилган ёриткичли кўрсаткичлар ва вагонларда йўловчилар ҳамда метрополитен ходимларини оғоҳликка чақирувчи широрлар жойлаштирилган.

Метрополитенда ички видеокузатув камералари ва мониторингларни ўрнатиш ишлари тўлиқ ниҳоятга етказилди. Натижада бекатларнинг ҳамма томони, жумладан, платформа ва вестибуллар метрополитен ходимлари томонидан доимий назорат қилинмоқда.

Йўловчиларга қулайликлар яратиш ва жетон олиш учун узоқ вақт навбат кутишининг

олдини олиш мақсадида жетон сотадиган кассалар вестибулдан бекатларнинг пиёдалар ўтиш жойига кўчирилди. Уларнинг кўпчилиги нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун терминаллар билан жиҳозланди. Яқин вақт ичида эса метрополитенда йўл ҳақини тўлаш янада қулай бўлишига қаратилган янгиликлар жорий этилади.

Мухтасар айтганда, пойтахтимиз метрополитени ходимларининг фаолияти асосий вазифа – йўловчиларга юқори савияда хизмат кўрсатиш, уларни ўз манзилларига ишончли ва хавфсиз етказиш, қатновлар мунтазамлигини таъминлашга қаратилган.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан кейинги йилларда 1258 тадан зиёд мелиоратив техникалар сотиб олинди. Ушбу замонавий ва юқори унумли техникалар мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари, сув истезмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга 10 йил муддатга имтиёзли лизинг асосида етказиб берилгани уларнинг фаолиятини ривожлантириш, ирригация ҳамда мелиорация тадбирларини тез ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2012» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи якунланди. Мазкур танловда 913 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Бухоро вилоят марказидаги Бобур шоҳқўчасида 4 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 84 хонадонга мўлжалланган ушбу уйлар «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан ажратилган 10,7 миллиард сўм маблағ ҳисобига барпо этилди.

Қарши шаҳридаги «Арт-мебель эксклюзив» МЧЖда Мустаҳкам оила йили муносабати билан янги турдаги мебель жамланмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу жамланма кийим жавони, китоб тоқчаси, компьютер столи, зина шаклидаги галадондан иборат бўлиб, ўзига хос шакли ва сифати билан, айниқса, ёш оилаларга манзур бўлмоқда.

Навоий давлат педагогика институтида «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Унда иштирок этган коллеж ва академик лицей битирувчиларига ушбу олий таълим муассасасида яратилган имкониятлар ҳамда келгуси ўқув йили билан боғлиқ янгиликлар, хусусан, янги очилган мутахассисликлар бўйича атрафлича маълумот берилди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, авиасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, сайёҳлик, тўқимачилик, солиқ ва боғжона каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Бахтиёр Абдусаматов Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, ҳукуматлараро комиссиянинг мунтазам ўтказиб келинаётган мажлислари ўзаро иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришига, мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва техни-

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИДОРЛИ, ПОРЛОК КЕЛАЖАКНИ ҚУРА ОЛАДИГАН ЁШЛАРГА ЭГАДИР»

Яқинда Навоий шаҳрида ўтказилган ва хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий доираларининг кўплаб вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотган «Умид ниҳоллари – 2012» спорт ўйинларининг ўтказилиши ҳам бу борадаги ишларнинг муваффақиятли натижаларидан бири бўлди.

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Стив Макналти спорт замонавий жамиятда, айниқса, ёшларнинг жисмонан соғлом ривожланишида катта ўрин тутишини қайд этди. «Спорт бўш вақтнинг қизиқарли ўтиши, ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатилиши, жамоада ишлаш кўникмасининг шаклланиши, тана ва руҳ саломатлигининг мустаҳкамланиши сингари қатор мақсадларга эришишга қўмаклашади, деди у. Шу аснода спорт билан шуғулланувчи ёшлар ўзларида ҳаётини ва етакчилик кўникмаларини ривожлантира бориб, кейинчалик уларни касбий ёки ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди ва яна қатор лойиҳаларнинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-хунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда Швейцария сармоясига иштирокида тузилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 29 фирми ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, чиннисозлик, матбаачилик, тўқимачилик ва савдо каби соҳаларда иш олиб боради.

(Давоми 2-бетда)

Маълумки, мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирidir. Юртимизда ёшларни фаол соғлом ҳаёт тарзига жалб қилиш юзасидан нақадар кенг қўламдаги ишлар ҳаётга татбиқ этилаётгани бутун дунё кўз ўнгига рўй бермоқда.

лиги тобора яхши анланмоқда. Британия Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларида мен ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқитувчилар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, таълимнинг янги асосларини қўллашни давом эттириш бўйича тайёрлигини қўраяман. Ўзбекистон ёшлари билан урдада ҳайратда қолдиради, айниқса, инглиз тилини ўрганиш борасидаги қобилиятлари мени кўпинча қайратда қолдиради. Юртингиз ниҳоятда иқтидорли, ўз мамлакатини учун порлок келажакни қура оладиган ёшларга эгадир», деди у.

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лондонда бўлиб ўтаётган ёш Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан кузатишини маълум қилди. С. Макналти уларнинг ютуқлари бутун мамлакат ёшлари учун янада катта рағбат бўлишидан умидвор эканлигини айтди.

Британия Кураш уюшмасининг бош котиби Пол Соьер спортчи ва таълим соҳаси ходими сифатида ёшларнинг сеvimли спорт тури билан шуғулланишларини рағбатлантирадиган ҳар қандай машғулотни маъқуллашини ва қўллаб-қувватлашини билдирди.

«Спорт болалар учун ёқимли ва соғлом муҳитни таъминлагани

ҳолда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний машқларнинг афзал эканлигини англаб етишларига қўмаклашади. Спорт ҳаётини, ижтимоий кўникмаларнинг ривожланишида муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ҳукуматининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари сингари миллий миқёсдаги лойиҳаларга сармоя киритаётганини кўриш кишига алоҳида мамнуният бахш этади», деди П. Соьер.

Ўзбекистонда таълим соҳасининг тараққиёти хусусида тўхталар экан, у Ўзбекистон ҳукумати томонидан мазкур соҳани янада ривожлантиришга сарфланаётган вақт ва маблағ сармояларини узоқни қўзлаган ва оқилона сиёсатнинг тасдиғи ҳисобланганини, яхши таълим-тарбия эса бутун мамлакатнинг келажги учун жуда зарур омил эканлигини қайд этди.

«Қатор ёш спортчи полвонлар, қолаверса, мамлакатингизнинг кўплаб иқтидорли талабалари билан шахсан танишиш шарафига муяссар бўлганим боис, шуни ишонч билан айта оламани, Ўзбекистон спорт ва таълим соҳаларида тўғри сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги вазифаларни амалга оширишда муваффақиятлар тилайман», дея ўз фикрини якунлади П.Соьер.

«Жаҳон» АА

ЖАҲОНДА

Австриялик тадқиқотчилар қишлоқ хўжалиги чикиндилари – ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёқилғи олиш технологиясини яратди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундан аввал ёқилғи тайёрлашда бугдой, картошка ва лавлагидан фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ихтиро қилинган янги усул анча арзонга тушади.

АҚШнинг Миддлборо шаҳрида жамоат жойларида ноҳож сўзларни айтишни тақиқловчи янги қонун жорий қилинди. Хужжатга қўра, жамоат жойларида кўча тилидаги номақбул сўзларни айтган кишиларга йигирма доллар миқдорда жарима солинади. Полицияларнинг сўзларига қўра, одамлар гавжум ерларда болалар кўп бўлади. Ахлоқ-одоб қоидаларига зид бундай сўзлар ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Лондонда шифокорлар суякни қайта тиклаш усулини яратдилар. Бу усул орқали тананинг турли қисмларида суяк синиши оқибатида юзага келадиган хавфли ҳасталикларни даволаш мумкин. Кашфиётга қўра, олимлар ёғ тўқималаридан олинган тана ҳужайраларидан суяк ўстирадидлар. Бу жараёнда суяк бир ой давомида қайта тикланиши мумкин. Олимларнинг фикрича, тиббиётдаги бу кашфиёт орқали инсон суягининг кучли жароҳатланиш оқибатида тиклаш бўлмас ҳолга келган қисмларини ҳам қайта тиклаш мумкин.

Япониянинг Кюсю оролидаги Дадзайфу шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ишлари жараёнида VII асрга оид китоб топилди. Маълумотларга қараганда, узунлиги 31, эни эса 8 сантиметрдан иборат ёғоч тахтадан ишланган китобдаги ёзувлар яхши сақланган. Унда оила аъзолари ва уларнинг қариндошлари ҳақидаги маълумотлар акс этган. Мутахассисларнинг айтишича, бундай маълумотлар солиққа тортишни ва ҳарбий хизматга чақирув ишларини енгилаштиришга хизмат қилган. Шу сабабли хонадонларда оилага оид маълумотлар жамланган ана шундай «Уй китоби» сақлаган.

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Куй ва шеър Ҳамоҳанглиги, бастакор ва шоир

ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **КЕЧА** шаҳар қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасида «Қон, унинг компонентла-

ри ва кўпгина касалликларни даволашдаги самарали воситаси, қон олиш ва уни беморларга қўйишнинг замонавий тизими» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Олтин гепард» иккинчи халқаро кинофорумига тайёргарлик доирасида киноижодкорлар, актёрлар, санъатшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий учрашуви ўтказилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда муҳим давлат институтлари шаклланди ва қайта ташкил этилди. Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш, товарлар контрабандаси ҳамда божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишга хизмат қиладиган божхона органлари шулар жумласидандир. Ўтган йиллар мобайнида нафақат соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, балки божхона органлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу вазифани Марказий Осийда ягона иختисослаштирилган олий ўқув юрти – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти муваффақиятли ҳал этмоқда.



Божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш, божхона назорати бўйича халқаро амалиётда жорий этилган замонавий шакл ҳамда услубларни қўллаш соҳа мутахассислари олдига юқори талаблар қўймоқда. Чўқур касбий билим ва кўникмаларга, юқас маънавий-ахлоқий фазилатларга, яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлиш шулар жумласидандир. Айнан шу боисдан божхона хизмати кадрларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида божхона органлари таркиби асосан ички ишлар идоралари ходимларидан шаклланди. Бироқ, мамлакатимиз қисқа вақт ичида дунёнинг кўп давлатлари билан дипломатик ва савдо муносабатларини ўрнатди ҳамда мустаҳкамлади, экспорт-импорт операцияларини амалга ошира бошлади, ташқи савдо ишлари фаоллашди. Бундай шароитда, табиийки, юқори даражада тайёрланган ходимларга бўлган эҳтиёж янада ошди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, 1998 йили ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежида ўтган вақт давомида олти юз нафардан ортиқ ўрта бўғин мутахассислари тайёрланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши билан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг кейинги bosqichi бошланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясининг «Божхона иши» факультети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона коллежи нақшида янги турдаги олий ўқув юрти – Олий ҳарбий божхона институти ташкил қилинди.

Ушбу таълим муассасасининг ташкил этилиши мустақилликнинг самараларидандир, – дейди Олий ҳарбий божхона институти бошлигининг биринчи ўринбосари Абдунор Сунонов. – Президентимиз Ислам Каримов ушбу олий ўқув юртининг ташкил этилиши билан божхона органлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига мазкур таълим даргоҳининг салмоқли ҳисса қўшиши таъкидлаб, институтининг ва, умуман, божхона хизматининг асосий мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб

берди. Бундай эътибор самарасида Олий ҳарбий божхона институти мамлакатимиздаги жаҳон стандартларига жавоб берадиган, зарур илмий салоҳият ва илгор моддий-техника базасига эга етакчи таълим муассасаларидан бирига айланди.

Айни пайтда институтида иккита – божхона иши ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртида нафақат назарий тайёр-

– Институтида ҳамда жисмоний тайёргарлик, яшаш учун барча зарур шароитлар яратилган, – дейди 2-босқич тингловчиси, самарқандлик Илҳом Пардаев. – Бунинг учун футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари, теннис корти, ўқув-машғулот комплекси, шунингдек, очик ва ёпиқ сув ҳавзаси мавжуд. Спорт машғулотлари жангавар санъат турлари, кўл жангини ўрганиш, куч ишлатиладиган ва отиш машқларини ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти соҳа ходимларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш базаси ҳам ҳисобланади. Ҳар йили малака ошириш, қайта тайёрлаш ва бошланғич тайёргарлик курсларида божхона органларининг қарийб 700 нафар ходими ўқимоқда.

– Асосан иқтисодий ва юридик маълумотга эга божхона хизмати ходимлари бошланғич тайёргарликдан ўтади, – дейди ЎзА муҳбирига қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети бошлиғи Элдор Раззоқов. – Факультетимизда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар ходимлари орасидан божхона расмийлаштирувчиси мутахассисларини тайёрлаш курслари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Факультетда ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Олий ҳарбий божхона институтида божхона органлари учун кадрлар тайёрлаш борасида илгор халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллаш, хорижий мамлакатларнинг шундай ўқув бўлимлари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, шу йилнинг 22-23 май кунлари бу ерда Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг БОМКА – Марказий Осийда чегараларни бошқаришга кўмаклашиш дастури доирасида «Марказий Осий давлатларида малакали тажрибани такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича минтақавий йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтининг фаолияти туфайли мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилаётган юқори малакали мутахассислар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, божхона хизмати учун давлат бюджетининг даромад қисмига муносиб ҳисса қўшиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш имконини бермоқда.

Сардор ТОЖИЕВ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

гарликдан ўтган, балки катта амалий иш тажрибасига эга ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг йигирма нафардан ортиғи илмий даража ва унвонларга эга. Институти ташкил этилганидан буён саккиз юз нафардан зиёд божхона иши ва юриспруденция мутахассислари тайёрланди. Бугунги кунда олий ўқув юртида таълим олаётган 479 нафар талабанинг 118 нафари бу йил ўқишни тамомлайди.

Институти талабаларининг чўқур билим олиши учун ўн битта кафедрада барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўқув жараёнида ўқитишнинг интерфасл услублари ва техника воситалари қўлланилади, ўқув конференциялари, божхона органларига бориб машғулотлар ўтказилади, семинар-мунозаралар уюштирилади. Айниқса, чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса иш жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз божхона ҳудуди, чегара божхона постлари орқали олиб кириладиган юклар ва уларнинг транзити ренгтен-аппаратлар, гиёҳванд моддаларни идентификация қилиш ва радиация назорати воситалари, мураккаб текширув объектини каби замонавий техникалар ёрдамида назорат қилинмоқда. Мустақиллик йилларида барпо этилган «Ойбек», «Нажимов», «Дову ота», «Дўстлик», «Навоий» сингари йирик божхона комплекслари ҳамда постларида шундай шароитлар яратилган.

Институти тингловчилари иختисослаштирилган аудиториялар ва лабораториялар, йўловчи ташвиш поездлари, автобуслар ва юк машиналарини божхона назоратидан ўтказиш бўйича ўқув майдонида бундай техникалардан фойдаланиш кўникмаларини эгалламоқда.

ҲУКУМАТЛАРНО АРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музокарада Швейцария делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийнинг ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар натижалари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

– Ўзбекистон Швейцариянинг муҳим ҳамкорларидандир, – деди Швейцария Конфедерацияси Федерал иқтисодий вазирлигининг иккита томонлама иқтисодий муносабатлар департаменти раҳбари, комиссия ҳамраиси Эрик Мартен. – Ўзбекистон юқас иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётганини биз юқас кадрларимиз. Дунёнинг кўп давлатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз талафотидан азият чекаётган бир даврда Ўзбекистонда пухта ва мустаҳкам шаклланди иқтисодий механизм боис мамлакатингиз ушбу бўҳрон таъсиридан деярли зиён кўрмади чиқа олди. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистонда барпо этилаётган иқтисодий зоналарда иш юритишга Швейцария сармоядорлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон билан узок муддатли ва барқарор ҳамкорлик муносабатларини жадал тараққий эттиришдан манфаатдоримиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликка қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик, банк-молия, савдо-сармоя, озик-овқат ва кимё саноати, фармацевтика ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида Швейцария делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА муҳбири

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан жорий йилнинг 1-31 май кунлари республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилган ташкилий-тадбирий ишлар режиси ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилди.

Тадбирга Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, шунингдек, идоралар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, халқ таълими тизимидан вакиллар жалб этилди. Улар ҳаракат иштирокчилари ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, асосий эътиборни пиёдалар, айниқса, болалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қаратишди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида республика бўйича жами 25598 та учрашув ва суҳбатлар ташкиллаштирилди. Албатта, сайёҳ-ҳаракатлар натижасида қоидабузарликлар сони анча камайишига эришилди. Бу эса хавфсизликни таъминлаш самарадорлиги ва кафолатини оширади.

Тадбир довомида ташкил этилган махсус гуруҳлар томонидан рейдлар ўтказилиб, пиёдалар 5 минг 226 та қоидабузарликка йўл қўйгани аниқланди. Шуларнинг 682 таси меҳнат жамоаларида, 804 таси маҳаллаларда муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, болалар томонидан содир этилган 1072 та қоидабузарликдан 425 таси ўқув муассасаларида кўриб чиқилди.

Тегишли идоралар, ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6110 километр автомобиль йўллари кўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан маҳаллий ҳокимликлар, йўл ташкилотларига тақдимномалар киритилди, 879 та янги йўл белгилари ўрна-

тилиб, яроқсиз ҳолга келганлари янгиларига алмаштирилди. Албатта, ўтказилган бу тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатди. Ойлик давомиде автомобиль ва пиёдалар ҳаракатланадиган йўлларда олиб бориладиган текширувлар бу борада ҳали талайгина муаммолар мавжудлигини намойён этди. Шу боис ҳам йўллар

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш жадал суръатда давом эттирилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид реклама ва шiorлар кўчалар, майдонлар, барча турдаги жамоат транспортларининг салонларида ўрнатилди. Тадбирнинг самарадорлигини ошириш, мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда чиқишлар қилинди, телекўрсатувлар намойиш этилди, радиоэшиттиришлар эфирга узатилди, газета ва журналларда мақолалар чоп этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида жойлашган реклама мониторлари орқали ойлик учун махсус тайёрланган видеороликлар мунтазам бериб борилди.

Ойлик давомиде амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида йиғилишлар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Камчиликларга йўл қўйган 142 та маҳаллий ҳокимлик, 234 та идора ва ташкилот муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўтказилган тадбирнинг таҳлили ойлик жараёнида республикада кенг қамровли амалий ишлар амалга оширилгани натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони сезиларли даражада камайганини кўрсатди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» тугаганига қарамай, ички ишлар идоралари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар кучайтирилган тартибда давом эттирилмоқда. Чунки йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Уларнинг олдини олиш учун эса одамлар онгиде йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруриятини шакллантириш даркор. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар, ўзи ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

Биз ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақат соҳа ходимларининг вазифаси, деб билмасликларининг истаридир. Чунки ҳар биримиз аввало ўзимиз, қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Йўлда бир сонияга кечкиши ёки шошилиши ҳам инсон умрига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар, айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎҲАЕВ, ИИВ ЙҲХББ матбуот бўлими бошлиғи, подполковник

«ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ – 2012» ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътибор самаралари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг тобора раванқ топаётганида ўз ифодасини топмоқда. Бу миллий матбуотимиз таъсирчанлигини ошириш, журналистларни янгидан-янги ижодий марралар, изланишлар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тобора ривожланаётгани кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бугун мамлакатимиздаги мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

2007 йилдан буён мамлакатимиз нодавлат телерадиостанциялари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур фестивалъ жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамкорларимизнинг сўз эркинлиги ва ахборот олишга оид ҳуқуқ ва кафолатларини янада тўлиқроқ таъминлаш, бу йўналишдаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда олтинчи марта ўтказилаётган «Озод юрт тўлқинлари» медиа- фестивали юртимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда кечаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида жамоат телерадиостанцияларининг фаол иштирокини таъминлаш, жамиятимиздаги туб ижобий ислохотлар, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларнинг ижросини халқимиз, айниқса, ёшларга тушунтириш, бу борадаги эзгу интилиш ва сайёҳаракатларни чуқур таҳлилий тарзда мунтазам ёритиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган вақт мобайнида мазкур фестивалъ маънавий-маърифий соҳалардаги эзгу ишлар, аҳолини кучли ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, баркамол авлодни вояга етказиш, шаҳар ва қишлоқларни янада обод этиш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш каби долзарб мавзуларни кенг ёритиб келаётган ижодий гуруҳлар ва журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фестивалъ ташкил этилганидан буён нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ижодий лойиҳада голиб чиққан ҳудудий нодавлат телерадиостанция жамоаларига замонавий ускуна ва жиҳозлар, рақамли техника, компьютерлар, монтаж, аудио ва видео техникаси тақдим этилмоқда. Натижада эфирга узатилаётган теле ва радиоматериаллар сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллашиб, уларнинг халқчиллиги, таъсирчанлиги ошмоқда.

«Озод юрт тўлқинлари – 2012» медиа-фестивали «Мустаҳкам оила – мустаҳкам жамият. Барқарор ва фаровон Ўзбекистон» шиори остида ташкил этилиб, унинг барча номинациялари «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётий ифодасига бағишланади.

«Озод юрт тўлқинлари – 2012» медиа-фестивалининг якуний bosqichi шу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида – 25 июнь кўни пойтахтимизда бўлиб ўтади.

(ЎзА)

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларини ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми муваффақиятли бошланди.

Болаларнинг дам олишини самарали ташкил этиш, оромгоҳларда уларни соғломлаштириш баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Қарорга биноан мамлакатимиздаги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этишнинг мукамал тизимини яратиб, оромгоҳлар тармогини ривожлантириш бўйича алоҳида концепция ишлаб чиқилди.

Болаларнинг ўқидан ташқари вақтини мазмунли ўтказиши, ҳардид чикаришини таъминлаш, улар онга она Ватанга муҳаббат, истиқлол ҳосилга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини синдириш орқали баркамол авлодни вояга етказиш - мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш жараёнининг асосий мақсадларидир.

Айни пайтда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тизимли назорат ва мониторингчи йўлга қўйиб бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда.

Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ёзги дам олиш масканлари зарур дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминлаш, ўйил-қизларнинг яшаш, овқatlanishi ва дам олиш жойларига қўйилмаган санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши, шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари сифати ва меъёрлари устидан кучли назоратни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашидан маълум қилишарича, жорий йилги ёз мавсумида 260 миң нафардан зиёд ўйил-қиз 900 дан ортиқ ёзги оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилган.

жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган болалар ҳамда меҳрибонлик уйларидаги 2000 нафар тарбияланувчилари имтиёзли соғломлаштирилади.

Қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда миң нафар бола ўз оналари билан бирга дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотган, кўп болали, иктимой химога муҳтож оилаларнинг 600 нафарга яқин фарзанди ҳам

«Ёз - 2012»

ТАЪТИЛ ҚИЗИҚАРЛИ ВА МАЗМУНЛИ ЎТАДИ



имтиёзли асосда дам олади. Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномаларига мувофиқ, оиласи кўп болали ва иктимой химога муҳтож ҳодимларнинг 50 миң нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўланмалар билан таъминланадилар.

Ўқувчиларининг ёзги мавсумда дам олдиришнинг ўзига хос жиҳати - оромгоҳлар болаларнинг ёшнинг эътиборига олган ҳолда, тарбиявий ишларнинг мазмунли бўйича бир неча итисослашган йўналишларда фаолият олиб боради.

ланувчиларининг ўқув-машқ жараёнини давом эттириши, ёш спортчилар ҳаволини, жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга оид тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари, экологик, «Меҳнат ва ҳардид» оромгоҳлари шулар жумласидандир.

Барча турдаги ҳардид масканларида болаларнинг саломатлиги мунтазам назоратга олинади, улар шифокорлар томонидан режа асосида тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Ўқувчи-ёшлар онгини ёт ва зарарли оғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялашга оид қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб юртимиздаги барча оромгоҳларда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашининг махсус иктимой акциялари ўтказилмоқда.

Болаларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёш авлод камолоти йўлида, ҳусусан, ёзги мавсуми янада қизиқарли ва сермазмун ўтказиш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш сифат ва мазмун жиҳатдан янада тақомиллаштириш борасида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамқўрликларнинг амалдаги ёрқин ибодатларидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Гамдан эмас, беғамликдан кўрк.
Донога вақт етмайди, нодонга нақд.
Нодон вақтини нима қилишни билмайди.
Нодон боладай фикрлайди.
Фақат ютишни ўйлаган ютқизади.
Бир тўлишган бир бўшайди.
Вақтни ҳеч нима тутиб қололмайди.
Кўнгил — ичингдаги ташвиш.
Ҳар бир муаммонинг қалити сабр.
Ҳеч нарсага эришмаган ҳаммага душман.
Биз кўп нарсани орзу қиламиз у орзу нарсаси эришамиз.
Отини қамчилаб қолган ютади.
Сўз билан иш бирлигига эришган киши валий бўлади.
Инсон фазилату қисурлари билан инсон.
Ўлимни эмас, ҳаётни ўйлаш керак.
Чунки ҳаёт ганимат, ўлим эса муқаррар.
Муқаррар нарсанинг ганими еб нима қиласан — у барибир юз беради.

Триклик ўқи не-не истеъдодларни орзулар аршидан ташвишлар чоҳига уриб туширмади.
Кеча ҳаёт-мамонт масаласи туялган нарса бугун шунчаки аҳмоқлик бўлиб туюлиши мумкин.
Яшаш илмидан кўпчилик беҳабар.
Содда юзга кирса ҳам соддалик қолади.
Дунёни гап билан ўнглаб бўлмайди.
Ҳаёт сирлиги билан қизик.
Вақт билан ҳисоблашмаган ютқизади.
Бойликни қабрга олиб кетиб бўлмайди, лекин билимни олиб кетиш мумкин.
Шунинг учун билимдон кишиларни қадрлаш керак.
Йиллар қарашларни ўзгартиради.
Иши битганинг кўчасидан ўтма.
Сабр эта олсанг, сенга ноҳақ жабр қилганларнинг жазо олишини кўрасан.
Бировнинг сирини бошқанинг кўнглига сиймайди.
(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Қибрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4912-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ к.ф.й., Узумзор маҳалласида жойлашган қурилиши битмаган дўкон. Бошлангич баҳоси 147 477 000 сўм.
2. Қибрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 1087-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ к.ф.й., Ботаника кўчаси, 1-уй, 25-хонадонда жойлашган 3 хонали яшаш уйи. Бошлангич баҳоси 16 107 660 сўм.
3. Қибрай тумани СИБ томонидан 20.05.2010 й. № 4734-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й., Зебуннона кўчаси, 23-уй, 19-хонадонда жойлашган 3 хонали яшаш уйи. Бошлангич баҳоси 21 654 493 сўм.
4. Қибрай тумани СИБ томонидан 20.05.2010 й. № 1087-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Чинобод к.ф.й.да жойлашган рақамсиз уй. Бошлангич баҳоси 16 107 660 сўм.
5. М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.04.2010 й. № 272/08-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, А. Югнакий мавзеси, 40А-уйда жойлашган савдо дўкони. Бошлангич баҳоси 24 216 940 сўм.
6. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Истиклол к.ф.й.да жойлашган Sun City Village дам олиш оромгоҳи. Бошлангич баҳоси 349 702 573 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 17 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 июль кунини савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 1 август кунини бўлиб ўтишини маълум қиламиз.
Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).
Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.
Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй.
Телефон: (8 - 371) 266-80-76.
Лицензия: RR-0052

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади
Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобидан турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.
Тендерга қўйиладиган йўналишлар қуйидаки:
2012 йил 19 июль соат 10 00да
№ Йўналиш рақами Йўналиш номи Ҳаракат таркиби тури
1. 7М «Феруза мавзеси АШБ - Уйғур кўчаси АШБ» Автобус
2. 9И «Қўйлик М-1 АШБ - Чилонзор буюм бозори АШБ» Автобус
3. 26А «Янгиобод мавзеси АШБ - 17-шаҳар шифохонаси» Автобус
4. 45А «Бошлик мавзеси АШБ - Қўйлик М2 АШБ» Автобус
5. 68А «Қўйлик М2 АШБ - Чорсу савдо маркази АШБ» Автобус
6. 83А «Юнусобод даҳаси, 6-мавзе - Экскаватор заводи бекати» Автобус
7. 96А «Юнусобод даҳаси, 9-мавзе - Истиклол кўчаси АШБ» Автобус
8. 106А «Тузел кўргони - Аэропорт» Автобус
9. 119А «Чилонзор даҳаси, 20-мавзе - РЭТ заводи» Автобус
10. 123А «Уйғур кўчаси АШБ - Чуқурсой темир йўл станцияси» Автобус
11. 124А «Қўйлик М-1 АШБ - Дўстлик жамоа ҳўжалиги» Автобус
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга тақдоран қўйилмаган йўналишлар
1. 57М «Электромобиль заводи - МКБК бекати» Микроавтобус
2. 98М «Ал Хоразмий мавзеси - Тошкент вокзали АШБ» Микроавтобус

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?
Унда ишончли таваккал қилманг.
Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.
Кўчмас мулк бозорига 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, ҳусусан ишлаб чиқаришга доир бино-ишоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончан хизмат кўрсатади.
Бунинг учун жамиятимизнинг юқори маалакали мутахассисларининг (+99899) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг.
Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.
Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.
«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.
Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорига энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.
Мурожаат қилинг ва барака топинг!
Лицензия: RR-0001

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади.
Шарқдан келишди 3-8 метр тезликда шамол эсади.
Ҳарорат кечаси - 18-20, кундузи - 33-35 даража иссиқ бўлади.
Муҳитда зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади.
Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазо кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.